
ФАРГОНАДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КАТТА БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги Ислом Каримов номидаги вилоят театр-концерт саройида 15 апрель – Маданият ва санъат ходимлари куни муносабати билан тантанали тадбир ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Хуршид Аҳмедов иштирок этди ва соҳа вакилларини байрам билан табриклиди.

Вилоятимиздан етишиб чиққан Ҳалима Носирова, Наби Раҳимов, Мукаррама Турғунбоева, Таваккал Қодиров, Муҳаммадсоли Юсупов, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Расулқори Мамадалиев каби фарғоналийк устоз-санъаткорлар ҳақида тайёрланган видеороликлар барчага илиқ хотираларни тақдим этди.

Хозирда 4000 нафардан зиёд маданият ва санъат ходимлари фаолият олиб бораётган Фарғонада Ёрқиной Хотамова, Шафоат Раҳматуллаева, Султонали Маннопов каби Ўзбекистон халқ артистлари, Сайдали Одиловдек таниқли драматургларнинг борлиги фахр билан тилга олинди.

Зотан, вилоятимизда 1 нафар Ўзбекистон халқ хофизи, 4 нафар Ўзбекистон халқ артисти, 9 нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 7 нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шунингдек, кўплаб давлат мукофотлари ва медаллари соҳибларининг борлиги, уларнинг сафи кўпайиб бораётгани қувонарли.

Тадбир давомида 8 нафар соҳа вакиллари мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, ўзбек миллий маданияти ва санъати нуфузини жаҳон миқёсида ошириш, ёш истеъодод эгаларининг қобилияти ва салоҳиятини рӯёбга чиқариш борасидаги фидокорона меҳнатлари учун Маданият вазирлигининг “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишони билан тақдирланишди.

Вилоятимиздаги мавжуд 152 та маданият муассасаларида ўз касбига меҳр-муҳаббат, садоқат билан хизмат қилиб келаётган бир гуруҳ ходимларга Маданият вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрликлари ва ташаккурномалари, эсадалик совғалари топширилди.

Абдулҳай Каримов, Абдужалил Қўқонов каби санъат усталари ва ёш ижодкорлар иштироқидаги концерт дастури, гўзал рақслар байрамга янада кўтаринкилик бағишилади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-04-15 17:43:02